

Қуръон ҳикматга тўла Китобдир | Қуръони Карим дарслари (178-дарс)



19:00 / 24.11.2025 1229

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида марҳамат қилади:

«Албатта, ўзларига Зикр келганда унга куфр келтирганлар... Албатта, у азиз Китобдир. Ботил унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам келмас. (У) Ҳакийму Ҳамийд томонидан нозил қилингандир», деган («Фуссилат» сураси, 41-42-оятлар).

Ушбу икки оятда Қуръони Карим оятларига куфр келтирганларга таҳдид қилинмоқда ва Қуръони Карим сифатлари ҳақида сўз кетмоқда. Ўтган оятларда умуман, Аллоҳнинг каломига эгрилик қилганларнинг оқибати эслатиб ўтилган эди. Аммо Қуръони Каримга куфр келтирганларга нисбатан бошқача йўл тугилади.

«Албатта, ўзларига Зикр келганда унга куфр келтирганлар...»

Нима жазо берилиши айтилмади. Худди шуниси жуда ҳам кучли таҳдиддир. Бу айтилмаган ўринга энг шиддатли, масалан, «Нима қилишни ўзимиз биламиз», «Кунларини кўрсатиб қўямиз» ёки шунга ўхшаш таҳдидларни қўйиш мумкин.

«Зикр» Қуръони Каримнинг номларидан бири бўлиб, «эслатма» маъносини билдиради. Бу сўз аввалги сураларда ҳам кўп келган.

«Албатта, у азиз Китобдир».

Албатта, Қуръони Карим азиз – ғолиб, кучли ва иззатли Китоб. Унга куфр келтирганлар мағлуб, кучсиз ва хорлардир.

«Ботил унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам келмас».

Бу азиз Китобга ботил мутлақо яқин кела олмайди. Азиз Китоб бўлганидан кейин қандай қилиб ботил унга яқинлаша олсин?! Азиз Зотнинг азиз Китоби – Қуръони Каримга қиёматгача абадул-абад ботил яқин кела олмайди. У соф ва соғлом ҳолида илоҳий мўъжиза бўлиб қолади.

Бу башорат ҳам Қуръоннинг илоҳий Китоб эканига ёрқин далилдир. Мана, асрлар ўтибдики, унинг бирор ҳарфи ўзгаргани, унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келгани йўқ! Ва шундай давом этажак, иншааллоҳ.

«(У) Ҳакийму Ҳамийд томонидан нозил қилингандир».

Қуръон ўта ҳикматли Зот бўлмиш Аллоҳ таолонинг нозил қилган Китобидир, Шунинг учун ҳам у ҳикматга тўла Китобдир. Унинг оятлари ҳикматли, кўрсатмалари ҳикматли, амрлари ҳикматли, қонун-қоидалари ҳикматли – ҳамма-ҳаммаси ҳикматли.

Қуръон ўта мақталган Зот – Аллоҳ томонидан туширилгани учун энди Аллоҳнинг ҳамди – мақтови кўп такрорланади.

Аллоҳ таоло яна:

«Агар уни ажамий Қуръон қилганимизда, албатта: «Унинг оятлари муфассал баён қилинганида эди. Арабийга ажамийми?!» - дер эдилар. Айт: «У иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир. Иймон келтирмайдиганларнинг қулоқларида эса оғирлик бордир. Ва у улар учун кўрликдир. Ана ўшалар узоқ макондан

чақирилаётганлардир», деган («Фуссилат» сураси, 44-оят).

Макка мушрикларининг қалбларини моғор босгани учун ўз тилларидаги илоҳий Китоб – Қуръон ҳақида бир-бирларига «Унга қулоқ османглар, унга халақит беринглар», дейишарди.

«Агар уни ажамий Қуръон қилганимизда, албатта: «Унинг оятлари муфассал баён қилинганида эди. Арабийга ажамийми?!» – дер эдилар».

«Фаразан Қуръонни араб тилида эмас, бирор ажамий тилда нозил қилганимизда, кофир мушриклар бунга ҳам гап топар эдилар. Улар:

«Қуръон оятлари бизнинг араб тилимизда муфассал баён қилинганида эди, уни эшитишимиз, ўрганишимиз мумкин эди. Арабий одамга ажамча Қуръон ҳам тушириладими?» дейишлари аниқ эди.

Яъни нима қилиб бўлса ҳам баҳона топар эдилар. Чунки аслида, Қуръонга эргашиш ниятлари йўқ».

«Эй Пайғамбар!

«Айт: «У иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир».

Қуръони Карим мўминлар учун ҳидоятдир.

Қуръон мўминларни саодатли ҳидоят йўлига бошлайди.

Қуръони Карим мўминлар ҳаётининг ҳар бир соҳасида уларга ҳидоят маёғи бўлади. Унинг ҳидоятдан баҳраманд бўлиш учун унга иймон келтириш керак.

Қуръони Карим мўминлар учун шифодир.

Қуръон мўминларнинг барча дардларига шифо бўлади.

Қуръони Карим қалблардаги касалларга, турли ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, маънавий касалларга шифодир.

Унинг шифобахшлигидан баҳраманд бўлиш учун унга иймон келтириш керак.

«Иймон келтирмайдиганларнинг қулоқларида эса оғирлик бордир».

Қуръонга иймони йўқларнинг қулоқлари қардир. Иймонсизлик оғир дарддир. Унда кишининг қалби касал бўлиб, тошга айланиб қолади. Бунинг асорати бошқа аъзоларга ҳам таъсир ўтказади. Қулоқлари қар бўлиб қолади. Улар Қуръонни ҳам эшита олмайдилар.

«Ва у улар учун кўрликдир».

Қуръон кофирлар учун маънавий кўрликдир. Улар ҳеч нарсанинг фарқига бормайдилар.

«Ана ўшалар узоқ макондан чақирилаётганлардир».

Узоқ макондан чақирилганлар овозни эшитмайдилар, ҳеч нарсани тушунмайдилар. Шунингдек, Қуръонга иймон келтирмаганлар ҳам ундан ҳеч нарсани англай олмайдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.